

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Кораузак тумани ободонлаштириш бошкармаси номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар Р.Данияров бир томондан кейингиўрингларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан ва МЧЖ“SAWLAT NUKUS” номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар А.Пирназаров иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан, “Текущий ремонт внутрихозяйственных дорог и улиц №1,2,3,4,5,6 “Кутлымакановули” ССГ Маденят Каравзякского района” жорий таъмиглашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

Ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

Курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилаб куйилади.

Вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиши: ишларнинг хар бир боскични ва (ёки) турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан “Текущий ремонт внутрихозяйственных дорог и улиц №1,2,3,4,5,6 “Кутлымакан овули” ССГ Маденят Каравзякского района” жорий таъмилаш бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига курилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар киймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва эркин танлов комиссиясининг карори 2022 йил 11-август кунги (электрон баённома, Лот №132190) билан тасдиқланган ишлар Қиймати барча солиқлар, ийғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нарҳларда (шу жумладан 15% КҶС 140 739 130,43(бир юз кирик миллион етти юз уттиз

түккиз минг бир юз уттиз сўм 43 тийин) сўм билан “Текущий ремонт внутріхозяйственных дорог и улиц №1,2,3,4,5,6 “Кутлымакановули” ССГ Маденят Каравалякского района” жорий таъмирлаш бўйича курилиш ишларини бажариш учунжами 1 079 000 000 (бир миллиард етмиш туккиз миллион) сўмни ташкил этади.(Пудратчи А.Абсаметов)

5. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас. Куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш муддатини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка узгартирилганда.

6. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб тутилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоат нарҳдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг кучи ва (ёки) жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- 1-иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;
- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;
- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган холда шартнома тузиши шарт;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф-мухитни, утказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;
- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссик овкат билан таъминлаш;
- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бушатиш;
- курилиш майдонини куриклашни таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофиқ, хар хисобот ойнинг 25 санаасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига хисобот топшириши лозим, акс холда хисобот ойида 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида Буюртмачига пеня тулайди хамда пудрат шартномани бекор килиш амалдаги конун доирасида кўриб чикилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши хамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

Пудратчи лойиха-смета хужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартриш киритмайди. Агарда ўз ҳохиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета хужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишини таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бирой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар хисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида хисоб-фактура ва хисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларини молиялаштиромайди. Ушбу шартноманинг З-банди бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблаглари хисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг фойдаланишга топшириш муддати Пудратчининг хисоб ракамига шартнома бўйича умумий қийматининг аванс пуллари келиб тушган кунидан сунг 40(кирик) кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома буйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Туловлар ва хисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 15 фоизи микдорида аванс утказади, қолган 85 % маблаг топширилган иш ҳажмининг бажарилишига мувофик(хисоб-фактура, далолатнома асос) тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

19. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклабқолади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

20. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибида Буюртмачини ёзма равиша хабардор килган холда, шартномага узгартришлар киритиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

21. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофикалигини текширади.

22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнода ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

23. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайда булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

24. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VIбандида курсатилган муддатлар билан мувофикалаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишида ташкил этади.

25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориши тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.

28. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда кўрилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нуктлари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

29. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш укларининг мувофикалиги тугри жойлашгандиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан амалга оширади.

30. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.

31. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нуктларида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

32. Пудратчи узи томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофик булишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлади.

33. Алоҳида мастьулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равишида хабардор килади.

34. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ кабул килиш далолатномалари

хамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хакда хабардор килмаган булса ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулайди.

38. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чикариб ташлайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудрачининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан бөглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикии түгрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни

З кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни куриклаш.

40. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгіб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари.

42. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгіб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгидиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактта мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгидиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан куп вактта чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

44. Агар томонлар 2 ой ичida келиша олмасалар у холда томонларнинг хар бирин шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклиди.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш.

45. Курилиши тугулланган объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул килиш ишчи гурх далолатномасини беради.

Буюртмачи курилиши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштироқида қабул килиб олади.

47. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофик Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равища тасдиқлаши керак.

48. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул килинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

49. Пудратчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

ложиха хужжатларига хамда курилиш меёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг ложиха хужжатларига курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улдар бартараф этилгунга кадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз хисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган такдирда, уларнитекшириб чикиш

«Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича хужалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор килиш.

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига бодлик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан 1 ойдан куп вактга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатта купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига бодлик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатта тухтатиб куйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма карорига кура тугалланмаган курилиш бирой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган такдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларидан ёки мазкур шартномада назарда тутилган холатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган такдирда буюртмачи томонидан шартномани конунда белгиланган тартибда бекор килиб, объектни бошка Пудратчига бериш буйича таклиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

58. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларидан хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, уз вактида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

- Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

60. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиклашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи микдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун

мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бирок бунда пеняниң умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нұксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир күн учун сифатсиз бажарилған ишлар кийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-илювасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар кийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пеняниң умумий суммаси сифатсиз бажарилған ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

62. Агар бажарилған ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш мөъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг холосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилған жазолардан ташкари шартномани бузган томониккінчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мulkнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилған фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилғанлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби.

65. Шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек, етказилған заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланған тартибда иқтисодий суди томонидан куриб чикилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

66. Мазкур шартнома имзоланғандан кейин, мазкур шартномага тегишли булған томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади..

67. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

68. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, курилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошка оралиқ бугинларнинг иштирокисиз факт шартнома асосида курилади.

Бунда хам моддий-техника ресурсларини узаро берган холда, хам улар берилмаган холда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект курилиши доирасида воситасининг иши хамда моддий-техника ресурсларини ташкарига реализация килиш деб хисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тulos амалга оширилади.

69. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чикарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилған бош шартнома буйича мажбуриятлар сакланиб колиниши шарти билан мустакил амалга оширилади.

70. Мазкур шартномага барча узгартериш ва күшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилған ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни

томонлар мазкур шартномага күшимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

72. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мulkни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечикитиришга хаклидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

74. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб худудий газначилик булинмаларидан руйхатдан утказилгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

75. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эгадир.

XVII. Коррупцияга қарши күшимча шартлар

76. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатлар содир килинмасликка келишиб оладилар.

77. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши күшимча шартларда белтиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши буйича хамкорликни таъминлайдилар.

78. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатлар амалга ошириши мумкунлиги хақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

79. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари хар қандай вақт ва шакилда кўйдаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равища тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда килиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равища олинадиган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаoliятдан олинаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблаглари ёки бошқа мол-мulkнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мulkка бўлган хақиқий эгалик хукукларини ёки унинг кимга карашлиигини яширшга; д) коррупцияга оид хукукбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат ўргинларини дархол хабардор қилиши шарт.

80. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказиша битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришида, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахсларнга(шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар,

агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукукшунослари, хисобчилар, улар номидан харакат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан күйдаги харакатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий харакатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни факат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширимаслик.

81. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахслар тамонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганилиги холатлари хакида хабар берилганилиги учун уларга таъзийк ўтказилмаслигини кафолайдилар.

82. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 79 ва 80-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганилиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб чиқиши натижалар хакида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга хақли.

XVIII. Тамонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

БУЮРТМАЧИ:

Кораузак тумани ободонлаштириши бошкармаси

Манзили: Кораузак тумани, Ш.Абдиров кучаси 54 уй

Банк: МБББ_ХККМ Ташкент ш.
Х/Р:23402000300100001010
МФО:00014 ИНН:204624765
Х/р100022860352117045204110003
ОКЭД:83200 ОКОНХ 90211

Кораузак Тумани Газначилик булимии

Рахбар: _____ Р.Данияров

ПУДРАТЧИ:

ООО "SAWLAT NUKUS"

Манзили: Bozotov tumani berdax kochasi raqamsiz uy
Тел/Факс: +99899-806-16-14
ИНН: 304378167
Банк: Mikrokredit bank KK filial
р/с: 20208000600697850001
МФО: 00584



А.Абсаметов

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	RASHID DANIYAROV SEYTMURATOVICH
	Imzolangan sana	22 авг 2022 18:31
	Hujjat kodi	MW0758573377
	Hulosa kodi	TM7215230122

YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HUJJETLERDIŃ NÍZAM HUJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDA HUQÍQIY JUWMAQ

Nº _____

1. Joybardıń túri. Shártnama. (MB0758573377)

2. Joybardıń atı. Pudrat shártnaması.

-Shártnama Qaraózek rayonlıq Abadanlastırıw basqarması hám MЧЖК “SAWLAT NUKUS” (11/08/2022-jıl ótkerilgen electron лот № 132190) ortasında jámi 1 079 000 000.00 (bir milliard jetpis тóгиз million) sum 00 tiyin kólemindegi Qaraózek rayonlı Mádeniyat APJ Qutlı Makan awılı № 1,2,3,4,5,6 kóshelerdiń ishki jolların jeńil remont islerin ámelge asırıw boyinsha dúzilgen shártnama joybarı haqqında.

Tiykar: Ózbekstan Respublikasi Puqaralıq kodeksiniń (Xojalıq shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qágyydalar) 353, 631-655- statyalari, (Joybar hám qídırıw jumısları pudrat shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qágyydalar) 686-692 statyalari, Ózbekstan Respublikasınıń 2021-jıl 22-aprel kúngi “Mámlekетlik satıp alıwlari haqqında”ǵı 684-sanlı Nizamı, Ózbekstan Respublikasınıń 1998-jıl 29-avgust kúngi “Xojalıq júritiwshi subyektlər iskerliginiń shártnamalıq-huqiqiy bazası haqqında”ǵı 670-I-sanlı hám Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2021-jıl 14-sentyabrdegi “Shártnamalıq qatnasiqlardı túpten jetilistiriw is-ilájları haqqunda”ǵı PF-6313-sanlı Pármani hámde 2019-jıl 04-iyundaǵı PQ-4351-sanlı qararı, Ministrler Kabinetiniń 2022-jıl 20-may kúngi 276-sanlı qararı tastıryıqlamǵan “Mámlekет satıp alıwlarin ámelge asırıw menen baylanışlı tártıp qágyydaların shólkemlestiriw hám ótkeriw tártibi haqqında”ǵı Reje talapları tiykarında islep shıǵılǵan.

3. Joybar islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqındaǵı maǵlıwmat.

Shártnama joybarı Qaraózek rayonlıq Abadanlastırıw basqarması tárepinen 2022-jıl 21-avgust kúni islep shıǵılǵan hám «E-huquqshunos» sistemasına kiritilgen.

Joybar ámeldegi nizam hújjetlerine muwapiq islep shıǵılǵan hám onı qabil qılıw nizamǵa muwapiq.

Oray başlığı:

2022-jıl 22-avgust



A.Reymov

0455



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SAWLAT NOKIS" Mas'uliyati cheklangan jamliyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli lo'salligan holdagi to'liq nomi)

"SAWLAT NOKIS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.10.2016

0455

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

304378167

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamliyat

Joylashgan joyi:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Bo'zatov tumani, Berdax ko'chasi raqamsiz
uy,


Guvohnoma:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Bo'zatov tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Караозек районлық абаданластырыу баскармасы “Товар-материалдык запаслар хэм ислерди хызметлерди) сатып алыў бойынша таңлаў комиссиясы”ның ен жақсы уыныслары таңлап алыў бойынша откерилген

2022-жыл “16”август

1-санлы мәжлис баянламасы

Караозек районы

Катнасыўшылар

(Ф.И.Ш)

(Лаўазымы)

Комиссия баслығы

Р.Данияров

Баскарма баслык

Комиссия ағзалары

К.Бийимбетов

Бас инженер

А.Ахунов

Технадзор

М.Иманбаев

Техбез

М.Бисеналиев

Экономист

А.Акимниязов

Бас есапшы

Комиссия секретары

КҮН ТӘРТИБИ:

Караозек районлық абаданластырыу баскармасы - Таңлап алыў комиссиясы баслығы Р.Данияров мәжлисте таңлаў комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам катнасып атырганлығын айтып өтип, таңлаў комиссиясы мәжлисін ашып деп жариялады.

Таңлаў комиссиясы хаткари таңлаў комиссиясына төмендеги мағлұйматларды усынды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыўлар ҳакқында”ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда-Нызам) 58-статьясына мууапық ен жақсы усынысларды таңлап алыў откерилиүи ҳакқында арнаўлы информацион порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлап алыў катнасыўшыларының кабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпаши тәрепинен жеке кабинети аркалы жайластырылган 2022 жыл 4-август күнги 22110012132190-санлы лот бойынша 2022-жыл 11-август күнти электрон баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыўлар ҳакқында”ғы Нызамы талапларына ҳәмде жокары көрсетилген мағлұйматларды есапқа алып Таңлаў комиссиясы

ҚАРАРЕТЕДИ:

1. Караозек районлық абаданластырыу баскармасы есабындагы “Маденят АПЖ Кутлы макан ауылы №1,2,3,4,5,6 кошелери ишкі жолын” женил ремонт жумысларын алып барыу бойынша откерилген таңлап алыўда таңлап алыў ҳужжетлеринде ҳәм таңлап шәртлери бойынша ен жақсы шәртлерди усынган ҳәм таңлап алыў женимпазы деп табылған "SAWLAT NUKUS" ЖШЖ 1 079 000 000.00 сум (ККС пенен бирге) менен шартнама дүзилсін.

2. Женимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийкарында шартнама дүзиuden бас тартқан жағдайда шартнама дүзиү ҳукукы кейинги катнасыўшы (резерв) етип, "NUR STROY XOJELI" ЖШЖ белгиленсін. Бунда женимпаз катнасыўшы усынның еткен суммасынан аспаған мұгдарда шартнама дүзиў мүмкінligи белгилеп койылсын.

3. Нызам талапларына муўапық таңлаў катнасыўшыларының усынысларын көріп шығыў ҳәм баҳалаў мүддети усыныслар беріў тамам болыўынан 10 (он) жумыс күннен асып кетиўи мүмкін емеслиги мағлұймат ушын кабыл етилсін.

4. Мекеменин бас есапшысы-А.Акимниязов таңлау алды жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама ҳужжетлерин таярлау ҳәмде шартнама дүзилген сон 3 (үш) жумыс күни ишинде арнаулы информацион порталына (www.etender.uzex.uz/) жайластырыу тапсырылсын.

5. Таңлау комиссиясы хаткари (А.Акимниязов), усы таңлап алды тийисли барлық ҳужжетлерди белгиленген тартылғанда сакланыуын тамийнлесін.

Катнасыўшылар

(Ф.И.Ш)

Имzasы

(Лаўазымы)

Комиссия баслығы

Р.Данияров



Баскарма баслык

Комиссия ағзалары

К.Бийимбетов


Бас инженер


А.Ахунов


Технадзор

М.Иманбаев


Техбез

М.Бисеналиев


Экономист

Комиссия секретары

А.Акимниязов


Бас есапшы